

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 2 май • № 17 (986)

## Қўшма ҳайъат йиғилиши

# НАЗОРАТ, ТАҲЛИЛ ВА ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ

Фарғона вилоятида ўтказилган қўшма ҳайъат йиғилишида бош мавзуга айланди

2014 йилнинг 25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги сайёр қўшма ҳайъат йиғилиши ва “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятини такомиллаштириш масалалари”га бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ганиев, Фарғона вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилояти соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг амбулатор-поликлиника хизмати бўйича бош мутахассислари, Фарғона вилояти туман тиббиёт бирлашмаси бошлиқлари, қишлоқ врачлик пункти координаторлари, туман кўп тармоқли марказий поликлиника ва қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиника мудирлари ҳамда ҚВПларининг умумий амалиёт шифо-

корлари ва ўрта тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Шу билан бирга Фарғона вилоят туман хокимликлари, туман хотин-қизлар кўмитаси раислари туман молия ва юридик хизмати раҳбарлари фуқаролар йиғини фаоллари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари ҳам қатнашдилар.

Ҳайъат йиғилишини Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ганиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ҳамда турмуш фаровонлиги йўлида қилинаётган эзгу ишларга эътибор қаратиб, жумладан Фарғона вилоятида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси хусусида алоҳида тўхталди. Шунингдек, кейинги йилларда, айниқса Инвестиция дастури асосида

(Давоми 2-бетда).



# СОҒЛОМ АВЛОД ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

амалий ишларда намоён бўлмоқда

Куни кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари” ҳамда “Ижтимоий маданий ривожланиш масалалари” бўйича доимий комиссияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, сиёсий партиялар етакчилари, туман ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлимлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши вакил-

лари иштирок этди.

Йиғилишда ҳудуднинг энг муҳим ижтимоий-маданий ҳамда ёшлар ва соғлом авлодни тарбиялашга оид масалаларини ҳал этишда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари ва депутатларнинг ролини кучайтириш масалалари

хусусида фикр юритилди. Хусусан, “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ижро этилиши ҳолати бўйича ҳисоботлар тингланди.

(Давоми 3-бетда).



## Матбуот анжумани

# СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

унда ким қандай имтиёзга эга?

Шу йилнинг 1 май куни Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ана шундай мавзуга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги фаолиятларга кенг урғу бериб, мазкур мавзуда ўтказилаётган анжуман инсон саломатлиги

мурожаат қилганида, аввало, у ерда кўрсатилаётган тиббий хизмат ва зарурий шарт-шароитлар билан қизиқиши табиий. Давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган фармон, қарор ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари замирида инсон саломатлиги, унинг ҳақ-хуқуқлари муҳим ҳисобланади.

(Давоми 8-бетда).

## ФАОЛИЯТ – ИМКОНИЯТ – ТАШАББУС

2014 йилнинг 5 май куни Бухоро шаҳрида «Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, бирламчи тиббий санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш» мавзусига бағишланган республика семинари бўлиб ўтади.

Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз томонидан бирламчи тизимга қаратилаётган эътибор бугунга келиб ўзининг самарали натижаларини бераётган десак, хато қилмаган бўламиз. Айниқса, бирламчи тиббий санитария ёрдамидан мамнун бўлаётган халқимизнинг ўз саломатлиги ҳамда тиббиётга бўлган ишончини англаб олиш қийин эмас. Бунинг ифодаси сифатида айтиш жоизки, давлатимиз ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрик, шунингдек, «Саломатлик ҳафталиклари» бирламчи тизим фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётганлиги бежиз эмас. Мазкур фаолиятларни янада такомиллаштириш мақсадида 2014 йил режасига киритилган республика семинарининг ҳудудлар миқёсида бўлиб ўтаётганлиги ҳам фаолиятлар изчиллигини янада оширомоқда. Жорий йилнинг март-апрель ойларида бирламчи тизим фаолиятига бағишланган республика семинари Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятида бўлиб ўтди.

## Кўшма ҳайъат йиғилиши

## НАЗОРАТ, ТАҲЛИЛ ВА ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ

## Фарғона вилоятида ўтказилган кўшма ҳайъат йиғилишида бош мавзуга айланди

тиббиёт муассасалари янгидан бунёд этилаётгани, айримлари капитал таъмирдан чиқарилгани, энг сўнгги русумдаги тиббиёт аппаратуралари мавжудлиги ҳамда малакали кадрларнинг салоҳияти ошиб бораётганини эътироф этиб ўтди. 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тизимдаги фаолиятларни янада изчиллик билан олиб бориш муҳимлиги ва бу борада Давлат дастурида белгиланган вазифаларни

0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмаган. Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 12,4 фоизга ўсиб, улар таркибида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23 фоизгача кўпайди. 510 та янги объект ишга туширилди, 37 та Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаоллигининг ўсиши пудрат курилиши ишлари ҳажмлари 15,5 фоиз кўпайишига кўмаклашди. Тармоқли ҳудудларнинг экспорт

сусан, аҳолини қайта бириктириш, тиббиёт ходимларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни охирига етказиш, республиканинг Жомбой, Бўстонлик, Шахрисабз, Хива ва Ўзбекистон туманларида тажриба тариқасида патронаж ҳамширалари томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдам тўлиқлиги ва профилактик тадбирлар сифатининг якуний натижаларига асосан баҳолаш тизимини жорий қилиш. Шунингдек, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тасдиқланган тармоқ жадвали асосида касалликларни ўз вақтида аниқлаш, вилоят муассасалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, ҚВП ва оилавий поликлиникаларнинг узвийлиги ҳамда амалга оширилаётган ишлар бўйича ҚВП, оилавий ва марказий кўп тармоқли поликлиникалар раҳбарларининг маҳаллаларда ҳисобот беришини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1652-сонли Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги "Тиббиёт муассасала-

ларини ўтказиш, сил касаллигидан ўлим ҳолатларини тўлиқ тугатишга эришиш. Республика ихтисослаштирилган марказлар ва шифохоналарда даволаш-диагностика фаолиятини тасдиқланган стандартлар асосида олиб бориш ва клиник протоколларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш. Республика ҳудудларида, жумладан, вилоят катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, вилоят шифохоналарида ихтисослаштирилган марказлар малакали мутахассис-

ларнинг ижобий томонлари ҳусусида тўхталиб, унинг натижа-сида аҳоли орасида айрим касалликлар кўрсаткичи яхши томонга ўзгаргани ҳамда тиббий хизмат сифати ошганини айтиб ўтди. Амалдаги ютуқлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар борлигини таъкидлаб, Давлат дастури ижросини тўлақонли бажаришда тиббиёт ходимлари ўз билим ва тажрибаларини ишга солган ҳолда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бориш бугуннинг асо-



амалга оширишда тиббиёт ходимларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Кун тартибидан ўрин олган биринчи масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов сўзга чиқиб, асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг 1-чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бажарилиши хусусида ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 апрелдаги жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бажарилиши натижалари тўғрисидаги мажлисида қайд этилганидек, 2014 йилнинг 17 январидан республика ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари таъминланди. Айтиш муҳимки, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,9 фоизга, шу жумладан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар ҳажми 11,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан

салоҳиятини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш давом эттирилди. Бу эса республиканинг экспорт ҳажмлари 8,4 фоизга ўсишини таъминлади. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида йил бошидан буён 227,9 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 137 мингтадан ортиғи ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил қилинди.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича "Соғлом бола йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Мазкур йиғилишда соғлиқни сақлаш тизими объектларини ўз вақтида куриш ва реконструкция қилиш ишларига жиддий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси баёни ижросини таъминлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йилги асосий устувор йўналишлари қайта кўриб чиқилиб, чора-тадбирлардан иборат бўлган ҳаракат дастури асосида фаолият олиб боришимиз учун қуйидаги вазифаларни бажаришимиз муҳим. Жумладан, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари, шошилинч тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган марказлар ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш борасида ҚВП ҳамда оилавий поликлиникаларда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг юклама меъёрлари бўйича ишни ташкиллаштириш мақбуллаштирилаётган 243 та ҚВПда ташкилий тадбирлар, ҳу-



рунинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 91-сонли қарори асосида тизимдаги тиббиёт муассасаларининг тармоғи ва шифо ўринлар фондиди мақбуллаштириш. Юқоридаги қарорлар ижроси бўйича Республика онкология илмий маркази томонидан туман даражасидан республика даражасигача онкология беморлар бўйича яратилган ягона ахборот маълумотлар базаси фаолиятини ташкил этиш. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 207-сонли қарори ижросини таъминлаш. Вазирлиқнинг тегишли буйруғига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар силга қарши кураш муассасаларида ихтисослашган комиссия ва мажбурий даволаш бўлимлари фаолиятини ташкил қилиш. Сил касаллиги мултирезистент шаклларининг эрта диагностикасини йўлга қўйиш, аниқлаш ва бир беморга 6 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдорда келтирилган махсус доридармонлар билан даволаш тад-

лари, профессорлари томонидан касалликларда юқори технологияларни қўллаш бўйича маҳорат мактаблари ўтказиш орқали кадрлар малакасини оширишга эришиш.

**Шунингдек,** Соғлиқни сақлаш вазири юқоридаги йўналишлар қаторида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлиги, иш юритиш ва ижро интизоми, тиббиёт муассасалари томонидан касалликларда юқори технологияларни қўллаш бўйича маҳорат мактаблари ўтказиш орқали кадрлар малакасини оширишга эришиш.

Навбатдаги масала, яъни "Фарғона вилоятида аҳолига кўрсатилаётган тиббий санитария ёрдами ҳолати" бўйича **вазирлиқнинг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Анвар Хусанов** ўз фикрларини билдириб, тизимдаги самарали ишларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳоли орасида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрик-

сий талаби эканлигига алоҳида урғу берди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш борасида" амалга оширилган тадбирлар тўғрисида **вазирлиқнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Исмоилов** жорий йилда Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш тизимида Давлат дастури ижроси бўйича амалдаги фаолиятларга тўхталиб, аҳоли орасида мунтазам олиб борилаётган "Саломатлик", "Соғломлаштириш ҳафталиклари" самарали кечаётгани, шунингдек, бирламчи тизимда аёллар ва болалар саломатлигига қаратилган эътибор туфайли турли касалликларнинг олди олинаётгани, айниқса, патронаж ҳамшираларининг оилаларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишлари натижасида соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келаётгани, шу билан бирга, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда эришилаётган ижобий ишларга эътибор қаратди. Ва келгусидаги вазифаларни янада изчиллик билан бажариш тиббиёт ходимларидан катта масъулият ҳамда фидойилик талаб қилиши бугунги куннинг асосий мезонига айланганини айтиб ўтди.

**Вазирлиқнинг иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ҳошимов** Вазирлар Маҳкамасининг 37-сонли қарори ижроси юзасидан Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида атрофича тўхталиб, Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан оқилона фойдаланиш бўйича ўз фикрларини билдириб, вилоятнинг айрим тиббиёт муассасаларида бу

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми 3-бетда).

# НАЗОРАТ, ТАҲЛИЛ ВА ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ

## Фаргона вилоятида ўтказилган кўшма ҳайъат йиғилишида бош мавзуга айланди

борадаги ишларда мавжуд камчиликлар борлигини таъкидлади.

**Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Марат Содиқов** “Фаргона вилоятида аҳолига тиббий санитария ёрдами кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида” маъруза қилиб, кейинги йилларда вилоят тиббиёт тизимида Инвестиция дастури асосидаги фаолиятлар изчиллик билан олиб борилаётгани, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси ошаётгани, ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар натижасида касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда соғломлаштириш ишларининг давомийлиги инсонлар саломатлиги ва уларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашда муҳим омил бўлаётганига атрофлича тўхтади. Шу билан бирга, тизимдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишда маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар ёрдам бераётганини эътироф этди.

**Вазирликнинг кўшма ҳайъат йиғилиши билан** ҳамроҳанг тарзда ўтказилган Фаргона вилоятида «Аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги республика семинари доирасида вазирлик мутахассислари иштирокида 23-24 апрель кунлари ҚВП, кўптармоқли ва оилавий поликлиника тиббий ходимлари учун «Аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш чора-тадбирлари» мавзусида 5 та ҳудудий амалий семинарлар ташкиллаштирилди ва семинарда 1600 нафарга яқин тиббий ходимлар иштирок этди.

**Куннинг иккинчи ярмида** тадбир иштирокчилари секцияларга бўлинган ҳолда муҳим масалалар бўйича иш олиб бордилар. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилояти соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ врачлик пунктларини

янада мақбуллаштириш фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 5 мартдаги 50-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлили бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Фаргона, Андижон, Наманган вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармаларининг амбулатор-поликлиника хизмати бўйича бош мутахассислари, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиқлари, қишлоқ врачлик пунктлари координаторлари, туман кўп тармоқли марказий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари мудирилари “Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштириш, айниқса, профилактика йўналишидаги тадбирларни амалга оширишда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари хусусида” мулоҳаза юритиб, бир қанча таклиф ва тавсияларни ўртага ташлашди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги етакчи мутахассислари томонидан туман кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиника ҳамда ҚВП ўрта тиббиёт ходимлари учун “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ўрта тиббиёт ходимларининг аҳолига кўрсатилаётган профи-



лактик йўналишдаги тадбирларни амалга оширишдаги вазифалари бўйича” семинар ўтказилиб, иштирокчиларга муҳим тавсия ва маслаҳатлар берилди.

**Тадбир жараёнида йиғилиш иштирокчилари** Марғилон шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 1-оилавий поликлиника фаолияти билан яқиндан танишдилар.

– Республика семинари дои-

**Кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича вазирликнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

# СОҒЛОМ АВЛОД ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

## амалий ишларда намоён бўлмоқда



**Биринчи масала юзасидан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов** асосий эътиборни Президентимизнинг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида биринчи чоракда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот тақдим этди. Маърузачи Б. Мамажоновнинг таъкидлашича, соғлом оилани шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шу жумладан, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган “Соғлом она – соғлом бола” лойиҳасини амалга

ошириш масалаларида аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, биринчи чорак давомида коллеж ва лицей ўқувчиларининг 78 минг 25 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди ва 16 минг 9 нафар ўсмирда аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш ишлари бажарилди. Шу жумладан, 15-17 ёшгача бўлган 71 минг 205 нафар қизлардан 30 минг 251 нафарда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилиб, 8 минг 184 нафари соғломлаштирилди. Дастурнинг иккинчи банди 1-бўлими бўйича никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун ФХДЭ органлари томонидан берилган йўлланма асосида 5 минг 155 нафар никоҳланувчи тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шунингдек, оилавий полик-

линикаларнинг моддий-техник базаси ва ходимлар таркибини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлиги соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳам муайян ишлар бажарилди. Дастурга мувофиқ, “Тузель” мавзусида бир сменали 250 қатновга мўлжалланган янги поликлиника биносини қуриш, 1-шаҳар клиник шифохонаси, шаҳар 1-сон сил касалликлар шифохонаси, шаҳар перинатал марказларида реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган.

Оилавий поликлиникаларни умумий амалиёт шифокорлари билан таъминотини яхшилаш мақсадида 120 нафар шифокор 10 ойлик махсус курсларда малака оширмоқда.

Республика ва шаҳар перинатал марказлари, Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази қошида ташкил этилган ўқув марказларида ЖССТнинг замонавий технологияларига асосланган дастурлар бўйича ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Шунингдек, биринчи масала ижросини давом эттирган ҳолда сўзга чиққан Республика маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Ф. Маҳмуджўраев, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари А. Фуломов “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларда ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар орасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш ва бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари

билан ижтимоий шерикчилик муносабатларини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади.

Йиғилишда иккинчи масала юзасидан маърузачилар ҳисоботлари тингланиб, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари” ҳамда “Ижтимоий маданий ривожланиш масалалари” бўйича доимий комиссияси аъзолари ёшларнинг ҳаётда, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишда камарбаста бўлаётгани, бинобарин, доимий комиссиянинг зиммасига умумдавлат манфаатлари ҳудудий манфаатлар билан уйғун ва мутаносиб бўлишини таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилгани ва бу шаҳар Кенгаши депутатидан изланувчанлик, ташаббускорликни талаб қилишини алоҳида таъкидладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари фаолиятида, жумладан шаҳар Кенгашида изчил ўсиш кузатилиб, Кенгаш ва доимий комиссиялар сессия ва мажлисларида ҳудудлар учун муҳим аҳамиятга эга масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилишда қонунчиликда белгиланган тартибда фаол иш олиб борилмоқда.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудий муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни Кенгашлар сессиялари ёки доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама қилиш ва ҳал этишда бевосита ҳудудлар манфаатларини ифодаловчи Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатларидан юксак масъулият талаб қилади.

Учинчи масала бўйича маърузачилар асосан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросига аҳамият қаратдилар. Йиғилишда таъкидланганидек, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳам депутат фаолиятининг муҳим бўғинларидан биридир. Зеро, мурожаатлар билан ишлаш жойлардаги муаммоларни чуқурроқ англаш, уларни тоифаларга ажратиш, яъни ҳар бир ҳудудга хос бўлган муаммоларни аниқлашга имкон яратади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, мурожаатлар билан ишлашда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий риоя этиш зарур.

Шунингдек, иккала комиссия аъзолари томонидан ўз округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказилаётгани, долзарб масалалар бўйича тегишли тузилмалар раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилиб, ўрнатилган тартибда фуқаролар қабули амалга ошириб келинаётгани қайд этиб ўтилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова иштирок этди.

Йиғилиш якунига кўра, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**  
**Суратлар муаллифи**  
**Жасур ЖАЛИЛОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Спорт – бу саломатлик

## СОҒЛОМ АЁЛ – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

**Юртимизда спортнинг нафис ва нозик, аёлларга хос турларини ривожлантириш, спорт билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали аёллар саломатлигини асраш, аёлда ўз соғлигига бўлган масъулликни кучайтириш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бирига айланди ва бу борада Юртбошимиз бошчилигида кенг ислохотлар олиб борилмоқда.**

Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номланиши ва унинг замирида аҳоли, айниқса оналар ва қизлар саломатлигига алоҳида урғу берилиши фикримиз исботидир. Айниқса, қизларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда, шубҳасиз, Президентимизнинг қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантиришга оид “Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамият касб этди. Маълумки, юртимизда аёлларнинг, хусусан, турли давлат ва нодавлат ташкилотларда фаолият юритаётган аёллар билан бирга оддий уй бекаларини ҳам спорт билан машғул бўлишга жалб этиш, тарғибот ишларини кучайтириш жараёнларида хотин-қизлар кўмиталари ҳам кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Кўмита томонидан ҳудудларда турли спорт мусобақаларини ўтказиш билан бирга, ёш қизларимиз учун тўғараклар ташкил этиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Бугунги кунда минглаб ўқув муассасаларида фаолият юритаётган “Ораста

қизлар” тўғаракларининг маълум мақсади қизларнинг жисмоний маданиятини оширишга қаратилган. Шунингдек, қишлоқ жойларида аёл мураббийлар фаолиятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан “Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўна-



лиши” ташкил этилиб, ушбу йўналиш бўйича юзлаб қизларимиз таҳсил олиб келишмоқда.

1999 йилда аёл мураббийлар сони 2845 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012-2013 йиллар давомида 15426 нафарга етди. Аёлларга хос спорт турларининг оммалашиб бораётгани, турли халқаро мусобақаларда голибликни қўлга киритаётганларнинг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этаётгани, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг 30 нафари спорт соҳаси-

да эришган ютуқлари учун давлатимизнинг юксак эътиборига сазовор бўлганликлари мамлакатимизда хотин-қизлар спортга берилаётган эътиборнинг ёрқин мисолидир. Бугунги кунда ҳудудларда 12 та синхрон сузиш, 14 та бадий гимнастика Федерациялари ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолигини ошириш юзасидан турли хил мусобақалар, тадбирлар, учрашувлар, марафон ва фестиваллар ўтказиб келинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалла фаоллари ва уй бекалари ўртасида “Гимнастика барча учун” спорт фестивали ҳамда



## Беллашув натижалари:

1. «Энг аҳил жамоа» ва «Жамоанинг галабага бўлган ишончи» номинациялари голиби – «Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
- 2 «Энг жозибдор жамоа» ва «Энг улуғ иштирокчи» номинациялари голиби – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси.
3. «Энг кучли техникага эга бўлган жамоа» ва «Энг гўзал ўйин кўрсатган жамоа» номинациялари голиби – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоаси.
4. «Энг қувноқ жамоа» ва «Энг шиддатли жамоа» номинациялари голиби – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги жамоаси.
5. «Энг тезкор жамоа» ва «Энг ёш иштирокчи» номинациялари голиби – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси.
6. «Энг интизомли жамоа» ва «Энг чаққон жамоа» номинациялари голиби – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жамоаси.

«Отам, онам ва мен спортчи оила» мусобақалари қаторида ҳар йили анъанавий тарзда республика вазирлиги ва идораларида фаолият юритаётган хотин-қизлар ўртасида “Соғлом аёл – соғлом жамият” шиори остида спорт мусобақасини ташкил этиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон миллий университетида қарашли спорт мажмуасида ўтказилган “Соғлом аёл – соғлом жамият” спорт тадбирига 130 нафардан зиёд иштирокчилар жалб этилди. Мусобақаларда Ўзбекистон Республика-

си Соғлиқни сақлаш, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими вазирликлари ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди жамоалари спортнинг баскетбол тўпини ҳалққа тушириш, бадминтон, стол теннис, шашка ва гимнастрада йўналишлари бўйича беллашдилар. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – вазирликлар ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган аёллар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштиришда хо-

тин-қизлар кўмиталарининг аҳамиятини янада ошириш, спортнинг нафис ва нозик, аёлларга хос турларини ривожлантириш, аёлда ўз соғлигига бўлган масъулликни кучайтириш, соғлом авлод туғилишини таъминлашдан иборат.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Ўзбекистон  
Хотин-қизлар кўмитаси  
ахборот хизмати.**

## Анжуман

## РОТАВИРУС ВАКЦИНАСИ – ХАВФСИЗ ЯШАШ ОМИЛИ

**Инсон саломатлигини асраб-авайлашда, унга ташқи муҳит томонидан бўладиган хавф ва хатарларга нисбатан курашувчанликни шакллантиришда, умуман, умрини узайтиришда эмлашнинг аҳамияти катта. Дунёнинг барча мамлакатларида хавфли касалликларга қарши кураш олиб бориш, аввало ҳар бир инсонни эмлаш жараёни билан боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Шу жиҳатдан олганда, эмлаш одам иммунитетининг бир меъёрда бўлишини таъминловчи бир омил ҳамдир. Шунинг учун ҳам Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳар йили апрель ойининг сўнгги ҳафтаси, яъни 24-30 апрель кунлари ротавирус инфекциясига қарши эмлаш ҳафталиги ташкил этилади.**

Пойтахтимизда ушбу санага бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда расмий доира вакиллари, халқаро экспертлар, Тошкент шаҳридаги даволаш муассасалари шифокорлари, иммунология соҳасида тадқиқот олиб бораётган ёш мутахассислар таклиф қилиниб, ҳафталикни ўтказишдан кўзланган мақсад-вазифалардан чуқурроқ хабардор қилинди. Конференцияга 80 нафар иштирокчи, жумладан, ЖССТ Европа бюросининг 2 нафар эксперти ҳам таклиф этилди.

Бутунжаҳон эмлаш ҳафталиги болалар ва ўсмирларни эмлаш тадбири нақадар муҳим эканлигидан кенг жамоатчиликни хабардор этади. Уз манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган эмлаш ҳафталигида барча фуқаролар фаол иштирок этиши керак. Чунки эмлаш орқали ҳар йили 2-3 миллион кишининг ҳаёти асраб қолинади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Шахин Хусейнов анжуман иштирокчиларига дунё мамлакатларининг эмлаш жараёни акс эттирилган

слайдларни намойиш этар экан, барчанинг диққат-эътибори мониторга қаратилди:

– Диареянинг олдини олишга мўлжалланган ротавирус вакцинаси бу йил илк бор тақдим этилмоқда. 2013 йил декабрь ойидан 2014 йил мартгача ЖССТ ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ротавирус вакцинаси билан эмлаш тадбирларида иштирок этадиган тиббиёт ходимлари учун ўқув семинари ўтказилди. ЖССТнинг хавфсиз эмлаш омиллари маҳаллий шарт-шароитларга мослаштирилди ва Ўзбекистондаги қўлланиладиган расмий ўқув материаллари сифатида тасдиқлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилди. Албатта, Ўзбекистонда эмлаш ҳафталигини муваффақиятли ўтказишимизга ишонамиз.

– Бугунги анжуманда халқаро экспертлар томонидан тақдим этилган эмлашга доир маърузалар инглиз тилида бизга тақдим этилди. Шундай имкониятга эга бўлдики, инглизча маъруза бизга бир вақ-



тининг ўзида ўзбекчага таржима қилиб узатилди. Барча мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам 1991 йилдан бери вакциналар ёрдамида олдини олса бўладиган касалликларга қарши эмлаш бўйича катта ютуқларга эришилган. Албатта, ротавирус инфекциясига қарши эмлаш жараёни ташкил қилишда биз шифокорлар

фаоллик кўрсатишимиз, ҳеч бир қатламни эътиборсиз қолдирмаслигимиз керак, – дейди тадбир иштирокчиси – Тошкент шаҳридаги 4-болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош врач ўринбосари Адиба Ўлжаева.

**Хулқар КУЗМЕТОВА.  
Суратлар муаллифи  
Жасур ЖАЛИЛОВ.**

## Мутахассис маслаҳати

## ГЛАУКОМАНИНГ АСОРАТИ ХАВФЛИ

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда кўзи ожизлик ва кўрликка олиб келувчи касалликлардан энг кўп тарқалгани глаукомadir. Дунё миқёсида 65 миллионга яқин инсон глаукома билан касалланган бўлиб, 2020 йилга бориб беморлар сони 80 миллионга етиб бориши тахмин қилинмоқда.**

Глаукома (оддий тилда кўк сув ёки назла) бу кўз ички босими доимий ёки вақти-вақти билан ошиб туриши, кўрув нерви атрофияси, кўришнинг пасайиши ва кўрликка олиб келувчи жиддий сурункали кўз касаллиги ҳисобланади. У баъзан оғриқсиз, секин, ҳеч қандай белгиларсиз кечиши туйғайли вақтида аниқлаб бўлмаслиги мумкин.

Кўз ички босими 16 дан 26 мм. симоб устунига тенг бўлса, бу меъёрий кўрсаткичдир. Лекин беморда глаукома касаллиги гумон қилинса, бу меъёр ўзгариши мумкин. Агар босим меъёридан ошиб кетса, кўрув нерви атрофиясига олиб келади ва кўрликка сабаб бўлади. Атрофияга учраган кўрув нервни даволаш усули ҳозиргача топилмаган.

Глаукома туғма ва орттирилган бўлиши мумкин. Орттирилган глаукоманинг очиқ бурчакли ва ёпиқ бурчакли турлари фарқланади.

**Касалликнинг белгилари қандай?**

**Очиқ бурчакли глаукома** бошланишида ҳеч қандай белгилар кузатилмади. Бемор гўёки ҳеч нарса сезмагандек юраверади. Бора-бора кўрув жараёни хиралашиб, касалликнинг зўрайиши даври бошланганидан далолат беради. Бемор бир ёки икки томонлама боши оғриқидан, кўз олди элак тутган ёки туман тушгандек, ёниб турган лампочка олдида камалаксимон ҳалқа кўри-

наётганидан, кўриш органлари ним қизариб, ёшланишидан шикоят қила бошлайди.

**Ёпиқ бурчакли глаукома** бирдан хуруж билан бошланиши мумкин. Кўзда ва бошда кучли оғриқ, қон босими ошиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш, тиш, қулоқ оғриши кузатилади. Бемор глаукома касаллиги ҳақида тунунчага эга бўлмагани учун бошқа мутахассисларга мурожаат қилади ва вақтни бой беради.

Аҳоли орасида **туғма глаукома** билан дунёга келаётган чақалоқлар ҳам учрайди. Буни мутахассис-шифокор туғилган чақалоқнинг кўзи одатдагидан каттароқ, шоҳларда ранги кўкми-тир ва хира бўлишига қараб, дарҳол аниқлайди. Туғма кўри-нишдаги касалликни даволаш анча қийин кечади. Чунки бу тиббиётда алоҳида йўналиш ҳисобланган ДНК, яъни дезоксирибонуклеин кислотасининг ўзига хос белгилари насл орқали бола организмида тарқалишига бориб тақалади.

Глаукома касаллигига чалинмаслик чора-тадбирларини кўриш, дардни вақтида аниқлаш орқали беморда юзага келиши кутилаётган кўрликнинг олдини олиш мумкин.

**Кимлар глаукомага учраши мумкин?**

Оилада глаукома билан касалланган бемор бўлса (наслий мойиллик), 35 ёшдан ошган катталар, артериал қон босими ошиб турадиган, мигрень, қандли диабет, қалқонсимон без, юрак қон-томир касалликларига

чалинган кишилар глаукомани орттириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аввал кўзида жароҳат бўлган, бошқа кўз касалликларидан азият чекиб келаётганлар орасида ҳам глаукома кўпроқ учрайди. Кўп чекиш, суюқликни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, ортиқча вазн, кўзни ортиқча зўриктириш глаукома келиб чиқишига шароит яратади.

**Нима қилиш керак?**

35-40 ёшдан кейин ҳар йили бир марта кўз шифокори текширувида бўлиш тавсия қилинади. Глаукома аниқланган беморга медикаментоз, лазер жарроҳлиги ва оддий жарроҳлик усуллари қўлланади. Уни аниқлашда кўз ички босими ва кўрув майдонини ўлчаш, кўрув нерви ҳолатини текшириш муҳим роль ўйнайди. Дори-дармонлар ёрдамида даволаш фақат врач тавсияси билан бўлгани маъқул. Баъзан бемор дори кўзига ўз вақтида томиши имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Яхшиси, бу ишни унинг бирорта яқин кишиси бажариши керак.

**Лазер нури ёрдамида даволаш** кўз суюқлик системасига ижобий таъсир қилиб, унинг оқиб кетишини яхшилайдди. Лазер операциялари амбулатор шароитда ўтказилади ва нисбатан энгил амалиёт ҳисобланади. Глаукоманинг барча турларида ҳам лазер ёрдам бермаслигини ҳисобга олиш керак.

**Жарроҳлик усулида даволаш** кўпчилик беморлар учун ягона даволаш усули ҳисобланади. Бошқа усуллар фойда бермаган пайтда бажариш мақсада мувофиқдир. Жарроҳлик амалиёти қанчалик эрта бажарилса, кўриш қобилиятини сақлаб қолиш эҳтимоли шунчалик ошади. Хавфсиз замонавий опе-



Глаукома касаллигининг белгилари

ратив даволаш усуллари амалиётга кенг жорий қилинган бўлиб, бундан аҳолини кўз шифокорлари хабардор қилишлари керак. Зарурат туғилганда, иккинчи ёки учинчи марта операция қилиш ҳам мумкин.

Глаукома касаллигининг бошланғич даври инсон ҳаёт тарзини ўзгартирмайди, лекин профилактик чора-тадбирларни амалга ошириб бориш тақлиф қилинади:

- ҳаддан ташқари зўриқиб ишлаш мумкин эмас. Ишлаётганда ёки ўқийганда ёруғлик чап томондан тушиб туриши лозим. Нимқоронғиликда ёзиш, ўқиш зарар;

- телевизор кўриш тақиқлан-

майди, фақат бошни тўғри тўтиб, нормал ёритилган хонада томоша қилиш лозим. Чирокни ўчириб, узоқ вақт телевизор кўриш мумкин эмас;

- бўйинни қисиб турувчи, тор ёқали свитер, сиқиб турувчи кийимдан воз кечиш керак. Имкон қадар галстук тақмаган маъқул;

- зарарли одатлар – чекиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш барча аъзолар сингари кўриш органларига ҳам салбий таъсир кўрсатади;

- иссиқ, буғли ҳаммом, сауна глаукомаси борларга тавсия қилинмайди;

- қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнақдан фойдаланиш лозим.

